

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIMI**  
**VAZIRLIGI URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**  
**FIZIKA MATEMATIKA FAKULTETI**  
**INFORMATIKA VA AT KAFEDRASI**

Bekchonov B.Yu

Mathcad dasturida ishlashda  
(o'quv uslubiy qo'llanma)

*Urganch - 2013*

## ANNOTATSIYA

Mazkur qo'llanma MathCad dasturida matematik masalalarni yechish va MathCad dasturi buyruqlari bilan tanish, foydalanish uchun qulaylikga ega.

Ushbu qo'llanma quyidagilarni o'z ichiga oladi MathCadda oddiy funksiyalar bilan ishlash, funksiyalarni o'rnatish, ikki o'lchovli funksiya va yuzalar grafiklari bilan ishlash, tenglamalar va tenglamalar sistemasini echish, differensial tenglamalarni echish, vektorlar va matrisalar bilan ishlash funksialari

Bo'limlarning xar biri tajriba ish sifatida ko'rib chiqilgan, ularga taalluqli topshiriqlar berilgan va bu topshiriqlarni bajarish usullari ko'rsatib o'tilgan. Shu bilan birga mavzu doirasida nazorat uchun savollar ham berilgan.

# MathCAD интеграл муҳити интерфейси

**Ишнинг мақсади:** MathCAD муҳити асосий буйруқлари, менюсини ўрганиш ва сода ҳисоблашларни бажариш, ўлчов бирликларини танлаш ва ўрнатиш.

## Лаборатория ишини бажариш услуби:

1. Дастурни очиш йўллари билан танишиш.
2. Асосий буйруқлар ва менюни ўрганиш. Уларни очиш ва ишчи варағига чиқариш йўллари.
3. Топшириқни бажариш.
4. қўйдагилардан ташкил топганхисоботни бажариш:
  - лаборатория иши конспекти;
  - бажарилган топшириқ натижаси билан.
5. Назорат саволларга жавоб бериш.

## Назарий тушунтиришлар

### Асосий меню структураси ва тартиби

MathCAD – бу турли математик масалалари ечиш учун мўлжалланган интеграл муҳитидир. Системага киришнинг бир неча усуллари мавжуд:

#### Биринчи усул:

- ✓ курсор кўрсаткичининг **Пуск** га келтирган ҳолда сичқонча чап тугмасини босинг;
- ✓ унда **Программ** бандини танласангиз иккинчи қалқиб чиқувчи меню пайдо бўлади;
- ✓ унда **MathSoft Apps** бандини белгиласангиз учинчи қалқиб чиқувчи меню пайдо бўлади;
- ✓ бу ерда **MathCAD 2001 Professional** бандини топинг ва сичқончанинг чап тугмасини босинг, шунда дастур ишга тушади.




**Иккинчи усул:** ишчи столдаги mathcad ерлиғини топинг

**Учинчи усул:** .mcd кенгайтмали файлни топинг ва сичқонча чап тугмасини икки марта босинг.

Система ишга туширилган MathCAD ишга тайер бўлади. Экраннынг асосий қисмини, бошида бўш бўлган, тахрирлаш дарчаси банд қилади. Пастдаги ва ўнгдаги айлантириш йўлкаси иш варағи бўйича горизонтал ва вертикал ҳаракатланишни амалга ошириш учун хизмат қилади. Асосий меню шундай система бўлиб, у MathCADнинг барча восталарига мурожат қилиш имкони беради. Маъносига кўра асосий меню – бу интеграл муҳитнинг асосий бошқарув марказидир. қўшимча марказлар вазифасини асбоблар панели ва алоҳида тугмалар бажариб, уларга тез-тез ишлатилиб турадиган командалар бирлаштирилгандир (1.2 расм).

### Асбоблар панели


#### Асбоблар панелини экранга чиқариш



Mathcad муҳитида ишлашни осонлаштириш учун экранга асбоблар панелини чиқариш мумкин. Уни чиқариш еки ўчириш асосий менюнинг **Вид** (View) бўлими ичидаги **Панели инструментов** банди орқали амалга оширилади. **Панели инструментов** банди фаоллаштирилганда очилиб чиқувчи менюни (1.1-расм) чиқаради.

У экранда пайдо бўлган қўйдаги асбоблар панелини бошқариш имконини беради (1.1-расм). **Стандартная** (Standard), **Форматирование** (Formatting), **Математика** (Math), **Калькулятор** (Arithmetic), **Оценка** (Evaluation), **Диаграмма** (Graph), **Матрица** (Matrix), **Въчисления** (Calculus), **Символ** (Greek), **Символьная** (Symbolic), **Программирование** (Programming), **Логический**, **Модификатор** (Modifier). Мос очилиб чиқувчи бандни экранга чиқариш еки олиб ташлаш учун курсор кўрсаткичи тегишли бандга келтирилиб сичқонча чап тугмаси бир марта босилади. Агар банд олдида белги бўлган бўлса, у ҳолда у ўйқолади ва асосий менюдан мос асбоблар панели олиб ташланади. Меню банди байроқча каби ишлайди. Курсор кўрсаткичи асбоблар панелининг белгилари ва тугмалари (пиктограммалар) устида ҳаракатлантирилганда ҳар бир тугманинг мақсади ениб чиқади. Бандни меню орқали танланганга кўра тугмалар орқали чакириш тезроқ амалга оширилади.

1.1 расм. Асбоблар панели бандининг очилиб чиқувчи менюси



- |  |                          |
|--|--------------------------|
| 1 – панель асосий менюси;                  | 5 – линейка;             |
| 2 – <b>Стандартная</b> асбоблар панели;    | 6 – иш vara'и;           |
| 3 – <b>Форматирование</b> асбоблар панели; | 7 - айланитириш йўлкаси; |
| 4 – <b>Математика</b> асбоблар панели;     | 8 – ҳолат сағри.         |

1.2. – расм. MathCAD системасининг асосий менюси

### Стандартная асбоблар панели

**Стандартная** (Standard) асбоблар панелида (1.2 - расм) йигирмата тугма жойлашган:



тоза varaқ кўринишли тугма – янги ҳужжат ҳосил қилиш диалог дарчасини очади;



очик папка кўринишли тугма – мавжуд ҳужжатни чақариш диалог дарчасини очади;



дискет кўринишли тугма – тузилган янги ҳужжатни хотирада сақлайди;



принтер кўринишли тугма – тузилган ҳужжатни босмага чиқариш диалог дарчасини очади;



varaқ ва лупа кўринишли тугма – босмага чиқаришдан олдин ҳужжатни дастлабки кузатувни амалга оширади;



ABC ҳарфлари кўрсатилган тушма – орфографик хатони текширишни амалга оширади;



қайчи кўринишли тугма – белгиланган матн қисмини еки формулани алмашлаш буферига олиб ташлаш вазифасини

бажаради;



бир неча нусхалар кўринишли тугма – белгиланган матн қисмини еки формулани алмашлаш буферига нусхасини олишни амалга охиради;



портфель кўринишли тугма – белгиланган матн қисмини еки формулани алмашлаш буферидан қўйиш вазифасини

бажаради;



чапга бурилишли стрелка кўринишли тугма охириги буйрукни бекор қилиш вазифасини бажаради;



унгга бурилишли стрелка кўринишли тугма охириги бекор қилинган буйрукниқайта тиклаш вазифасини бажаради;



юқори чегара бўйича текислаш кўринишли тугма – белгиланган соҳани горизонтал чизиқ бўйича текислаш вазифасини

бажаради;



чап чегара бўйича текислаш кўринишли тугма – белгиланган соҳаларнинг энг ўнг ва энг чаплари орасида жойлашган, вертикал чизиқ бўйича текислаш вазифасини бажаради;



**Вставьте функцию** (Функцияни ўрнатиш) - функция белги кўринишли тугма – керакли функцияни ўрнатиш учун диалог дарчасини чақариш вазифасини бажаради;

 ўлчов кружка кўринишли тугма – керакли ўлчов бирлигини ўрнатиш учун диалог дарчасини чиқариш вазифасини бажаради;

 тўқлашган тенг белги кўринишли тугма – курсордан пастда (ўнгда) жойлашган барча формулаларни (ифодаларни) ҳисоблаш вазифасини бажаради;

 занжир қисми кўринишли тугма – гипертекстли матнни ўрнатиш вазифасини бажаради;

 камера кўринишли тугма – компонентани ўрнатиш вазифасини бажаради;

 уч нурли диаграмма кўринишли тугма – MathConnex иловани очишни таъминлайди;

 очик китоб кўринишли тугма – ресурслар марказига мурожатни таъминлайди;

 сўроқ белги кўринишли тугма – ердам бериш диалог дарчасини чиқаради.

### Форматирование асбоблари панели

**Форматирование асбоблар панели** саккизта тугма ва учта майдонни ўз ичига олади (1.2.-расм). Керак бўлганда, ўнг томондаги тугмани босган ҳолда, мавжуд стиллар рўйхатини очи шва зарурини сичқонча чап тугмасини босиш орқали танлаш мумкин.

Иккинчи майдонда ҳозирда қўлланилаётган шрифт номи кўрсатилади. Ўнг томондаги тугмани босган ҳолда мавжуд шрифтлар рўйхатини чиқариш ва кераклигини танлаш мумкин бўлади.

Учинчи майдонда ҳозирда қўлланилаётган шрифт ўлчами берилган. Ўнг томондаги тугмани босган ҳолда мавжуд шрифт ўлчамлари рўйхатини чиқариш ва кераклигини танлаш мумкин бўлади.

 В ҳарfli тугма белгиланган матн, формула, ифода қисмини ярим тўқланган ҳолга айлантиради;

 I ҳарfli тугма белгиланган матн, формула, ифода қисмини курсив кўринишга айлантиради;

 U ҳарfli тугма белгиланган матн, формула, ифода қисми тагига чизишни амалга оширади;

 чапга сурилган кўринишли тугма матнни чап чегара бўйича текислайди;

 марказ нисбатан текисланган кўринишли тугма матн сатрларини марказга нисбатан текислайди;

 ўнгга сурилган кўринишли тугма матнни ўнг чегара бўйича текислайди;

 маркерли рўйхат кўринишли тугма белгиланган матн қисмига маркер ўрнатишни амалга оширади;

 номерланган рўйхат кўринишли тугма белгиланган матн бўлимларига номерлар қўйишни амалга оширади.

### Математика асбоблар панели

**Math** (Математика) асбоблар панели тўққиз тугмадан иборат (1.3 - расм):

 калькулятор кўринишли тугма **Калькулятор** (Arithmetic) асбоблар панелини чақиради;

 x ҳарфи ва «к» шарти кўринишли тугма **Оценка** (Evaluation) асбоблар панелини чақиради;

 график кўринишли тугма **Диаграмма** (Graph) асбоблар панелини чақаради;

 матрица тайергарлиги кўринишли тугма **Матрица** (Matrix) асбоблар панелини чақиради;

 интеграл ва дифференциал белги кўринишли тугма **Вўчисления** (Calculus) асбоблар панелини чақиради;


 грек алфавитининг **αβ** ҳарф кўринишли тугма **Символ** (Greek) асбоблар панелини чақиради;

 шлапа кўринишли тугма **Символьная** (Symbolic) асбоблар панелини чақиради;

 блок-схема кўринишли тугма **Программироваение** (Programming) дастурлаш режимини чақиради;

 шарт текширишни белги кўринишли тугма **Логический** (Logic) асбоблар панелини чақиради;

Ушбу менюнинг исталган банди босилганда асосий менюда мос меню очилади, қайта босилганда эса – у епилади.



1.3.-рasm. MathCAD мухити асбоблар панели

### Асосий тушунча ва таърифлар

Mathcadда исталган ҳужжат алоҳида блоклардан ташкил топади. Улар турли типли бўлиши мумкин: матнлар (изохлар), формулалар, графиклар, жадваллар ва ҳоказо. Ҳар бир блок иш вақтида тўри тўртбурчак формали аниқ сохани банд қилади.

Ҳужжатда блокларнинг жойлашувчи, матнлигидан ташқарии, принципал аҳамият касб этади. Улар чапдан ўнгга ва юқоридан пастга қараб бажарилади. Шунинг учун блоклар ўзаро бир-бирини қопламаслиги керак (қисман қопланиши эҳтимолдан холи эмас). Блокларнинг Ушбу тартибда бажарилиши шуни кўрсатадики, мисол учун, функциянинг еки жадвалнинг графигини тузиш бошида ўша функцияни ва аргумент чегаралари ўзгаришини бериши блокларини бажаришдан бохланиб, сўнгра жадвал еки функция графигини тузиш блоки Билан давом этади.

Блокларни конструклаштиришда системага бириктирилган уч – матн, формула ва график мухаририлари хизмат қилади.

**Матн мухарири** – матнли изохларни ҳосил қилиш воситасидир. У формулалари ва график кўринишдаги ҳужжатларни тушунарлироқ холга келтиради. Матнларни тахрирлаш қўйидаги умумий қабул қилинган воситалар ердамида амалга оширилади: курсорни бошқариш, символларни ўрнатиш ва алмаштириш режимларини ўрнатиш (Insert тугмаси), ўчириш (Del ва Backspace тугмалари), белгилаш, алмашлаш буферига нухалаш, алмашлаш буферидан чақириб ўрнатиш ва бошқа тугмалар.

**Формула мухарири** – математик ифодаларни ҳосил қилиш воситасидир. Ушбу операцияни бажариш учун сичқонча кўрсаткичини мухарирлаш ойнасининг исталган жойига ўрнатиш ва сичқонча чап тугмасини босиш кифоя. Шунда кичик қизил крестча кўринишдаги визир пайдо бўлади. Унинг жойлашувини ҳаракатлантириш тугмалари ердамида ўзгартириш мумкин. Визир хисоблаш блокадаги формулалар тўпламининг бошланиш нуқтасини кўрсатади. Жойлашган ўрнига қараб у ўзининг формасини ўзгартириши мумкин. Масалан, формулалар соҳасида визир, маълумотларини киритиш йўналиши ва ўрнини кўрсатувчи, ҳаво ранг бурчакка айланади. Тахрирлаш фақатгина жорий мухарири ойнасига бир еки бир қатор объект шаблонлари киритилгандагини бажарилиши мумкин. Акс холда, тахрирлаш операцияларини қисман амалга ошириш мумкин бўлмайди ва Edit (Правка) тахрирлаш менюсида бундай операциялар белгиланмайди, яъни камайтирилган еркинликли матн холида кўрсатилади.

**Математик соҳа** – бу математик ифода еки графикни жам қилувчи соҳадир. У ишловчи хисобланади; бу унда амалга оширилган ҳар қандай ўзгариш, ишчи ҳужжатнинг қўйида жойлашган, барча математик соҳаларга таъсир кўрсатишини англатади.

Ишчи ҳужжатлардаги матн икки хил формада иштирок этиши мумкин: матнли абзац ва матнли соҳа кўринишларида. Мос вариантни танлаш матн миқдорига ва унинг хошимиздаги кўринишига болиқ бўлади.

**Матнли соҳа** – бу матнларни жойлаштириш учун ммўлжалланган тўри тўртбурчакли соҳадир. У ихтиерий катталикда бўлиши ва ишчи ҳужжатнинг исталган ерига жойлашиши мумкин. Матнли соҳалар, қоидага кўра, қисқа изохларни киритиш учун қўлланилади. Бундай соҳани ҳосил қилиш учун қўштирноқ символни киритиш кифоя. Ҳосил бўлган тўри тўртбурчакка матн киритилади. Шу Билан бирга, киритиш учун керак бўлган шрифт (Font) ўрнатилади. Агар матн рус тилида териладиган бўлса, у холда Times New Roman Суг шрифтини ўрнатиш мумкин.

Тўри тўртбурчакнинг ўнг томони маркази, паст қисми маркази ва ўнг қўйи қисми бурчагида белги (қора квадратчалар) лар мавжуд. Сичқонча кўрсаткичини монна шу белгиларга келтириб ва чап тугмасини босиб, матнли соҳани катталаштириш еки кичиклаштириш мумкин. Матнли блокада визир қизил вертикал чизиқча кўринишда бўлади ва у матнни киритиш ўрнини белгилайди. Матнли соҳани бошқа усул Билан ҳам ҳосил қилиш мумкин. Визирни (қизил крестчани) матнли киритиш урнига келтиринг. Харфли тугмани босинг – тўри тўртбурчакда ҳарф пайдо бўлади, «визир» эса, ҳарифли қоплайдиган, ҳаво ранг бурчакка айланади. Пробел

тугмаси (Spacebar) босилганидан сўнг тўғри тўртбурчак белгилар (метка) билан қуролланади, ҳаво ранг бурчак эса қизил вертикал чизиқчага айланади. Бу эса биз матинли соҳа билан иш кураётганимизни билдиради. Юқорида қайд этилганидек, Mathcad курсори уч турли курсорни қабул қилади «визир»ни «плюс» белгиси, матинни киритиш маркерини - вертикал қизил чизиқча, математик ифодани киритиш маркерини - ҳаво ранг бурчак (кљюшка). «Визир» формула ва матинлар соҳаларидан ташқарида, яъни ҳужжатни бўш жойида пайдо бўлади. Унинг жойини ўзгартириш учун, ишчи варақининг бўш жойига ўрнига «сичқонча» курсорни келтириб чап тугмани босиш зарур. Шунингдек, қуйидаги стрелкалар тасвири келтирилган ҳаракатлантириш тугмаларидан ҳам фойдаланиш мумкин: ↓, →, ↑, ←, Pg Up ва Pg Dn.

Янги ифода, матинли соҳа, графиклар «визир» жойлашган жойдан бошланади.

Курсор билан сичқонча кўрсаткични чалкаштирманг. Сичқонча кўрсаткичи курсорни керакли жойга жойлаштириш учун хизмат қилади. Уч формадан қайси бирини ишга туширилиши, қайси объектга «сичқонча» кўрсаткичини тўғирлаб чап тугмани босишингизга боққидир. Тугмалар комбинациясини ишлатган ҳолда, курсорни у еки бу томонга мақсадли ҳаракатлантириш мумкин.

*Функция* - бу аргументлари асосида маълум ҳисоблашлар амалга оширилувчи ва унинг миқдор қийматлари аниқланувчи ифодадир.

Mathcadда функциялар истеъмолчи томонидан киритилган ва аниқланган бўлиши мумкин.

Функцияни аниқлаш учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши зарур:

- ишчи ҳужжатга функция номини ва чап кичик қовусни киритиш;
- бир-бири билан вергул билан ажратилган аргументлар рўйхатини киритиш ва уни унги кичик қовус билан тўғаллаш;
- икки нуқтани киритиш, натижада :к ўзлаштириш белгиси ва унданг сунг киритиш майдончаси пайдо бўлади;
- киритиш майдончасига (ўнг томонига) ушбу функцияга мос ифодани териш.

Ифодада ишлатилган барча ўзгарувчилар, киритиш майдончада ёзилган, илгаридан аниқланган ёки аргументлар рўйхатига киритилган бўлиши шарт. Акс ҳолда, қийматлари берилмаган ўзгарувчилар дисплей экранида қизил ранг билан белгиланади.

Бирор-бир ўзгарувчиларга боққик бўлган ифода ҳисобланиши учун уларнинг қийматларини белгиланган бўлиши керак. Бунинг учун қуйидагиларни бажариш лозим:

- ўзгарувчи номи киритилиши;
- икки нуқтани киритиш, натижада :к ўзлаштириш белгиси ва ундан сўнг киритиш майдончаси пайдо бўлади;
- киритиш майдончаси сон ёки ифодани киритинг. Mathcad мос миқдорни ҳисоблайди ва ўзгарувчига унинг номи берилади.


#### Илгаридан аниқланган математик ўзгармаслар

Номи	Тугмалар	Маъноси
$\infty$	Ctrl+Shift+z	Системали чексизлик ( $10^{307}$ )
$\pi$	Ctrl+Shift+π	π сони (3.14...)
<i>e</i>	<i>E</i>	<i>Натурал логорифм асосу</i>
<i>i</i>	<i>1i</i>	<i>Мавхум бир</i>
<i>j</i>	<i>1j</i>	<i>Мавхум бир</i>
%	%	<i>Процент (0.01)</i>

Исталган бошқа ўзгармаслар каби ишчи ҳужжатда :к аниқланиш симболи ёрдамида ўзгармасларни қайта аниқлаш мумкин.

#### Содда арифметик ҳисоблашлар

Арифметик ҳисоблашлар калькулятор асбоблар панели ёрдамида амалга оширилади. Ҳисоблашга доир мисол 1.4-расимда кўрсатилган.




1.4 - расм. содда арифметик хисоблашлар.

### Ўлчов бирликларини танлаш ва ўрнатиш


**Вставить модуль** (Unit...) бўлими ёрдамида еки асбоблар панелидаги ўлчов кружка тасвири туширилган тугмани босиш орқали **Вставить модуль** диалог дарчаси ўлчов бирикмаларини танлаш ва ўрнатиш учун чиқарилади. Диалог дарчаси *Размерность* ўлчов кийматлари рўйхати ва унга кирувчи *Модуль* ўлчов бирикларидан ташкил топади. Дарчада қайси бирлик системаси ишлатилаётганлиги хақида кўрсатма ҳам берилган. Индалмаган ҳолатда SI системаси ишлатилади. Диалог дарчасида учта тугма бор:

- **ok** – танланган ўлчов бирлигини ўрнатади ва дарчани ёпади;
- **Insert** ёки **Вставить** (ўрнатиш)- дарчасини сақлаган ҳолда танланган ўлчов бирлигини ўрнатади;
- **Cancel** ёки **Отмена** (бекор қилиш) – ўрнатилган ўлчов миқдор операциясини бекор қилади.

Ўлчов миқдорлари билан ишлашда Mathcad керакли ўзгаришларни амалга оширади ва ўзгарувчиларнинг сон миқдорларини уларнинг ўлчов бириклари билан чиқаради.



1.5-расм. Вставить модуль диалог дарчаси.



1.6-расм. Вставить модуль функциясини ишлатилишига мисол

Айрим улчамлар кийматлариги мисоллар

Ўлчам	+иймат
Dimensionless	барча ўлчамлар алфавит тартибида
Angular	бурчак ўлчамлари
Area	юза бирлиги
Capacitance	электрик си/им
Conductance	электр ўтказувчанлик
Current	ток қучи
Energy	энергия бирлиги
Force	қуч бирлиги

Frequency	частота бирлиги
Inductance	индуктивлик
Length	узунлик бирлиги
Luminosity	ёрулик кучи
Magnetic flux density	магнит индукцияси
Mass	масса бирлиги
Potential	электр потенциал ва кучланиш
Pressure	босим бирлиги
Resistance	электр қаршилик
Substance	моддалар сони
Temperature	температура бирлиги
Time	вақт бирлиги
Velocity	тезлик бирлиги
Volume	ҳажм бирлиги

## √ Топшириқ

1. MathCADни очинг.
2. **Математика** асбоблар панели тугмалар ердамида панельни очинг, сунгра епинг.
3. Матинли изоҳлар киритинг.
4. +уйидаги ифодалар ҳисобини чикаринг:

$$(48 + 67^3) \frac{5}{2\sqrt[3]{10}} \cos(0.5)$$

$$\frac{(\sin(111) + \cos(98))^2 \cdot \log(4,3) + (12 - \sqrt{89})}{e^{2x+3}}$$

5. **Вставка модуля** функцияси ердамида ҳисобни бажаринг:

$$1) I = \frac{\varepsilon}{R + r}, \text{ при } \varepsilon 110 \text{ В, } R 20 \text{ Ом, } r 2 \text{ Ом}$$

$$2) \sin(45) + \cos(30) / \operatorname{ctg}(60)$$

$$3) s = v_0 t + \frac{at^2}{2}, v_0 4 \text{ км/ч, } t 0,1 \text{ ч, } a 10^{-6} \text{ км/ч}^2$$

5. Ҳосил қилган ҳужжатларингизни **Мои документў** папкасида Ҳисоб. mcd номи билан сақланг.

6. MathCADни ёпинг.

## Текшириш учун саволлар:

1. MathCAD дастурни қайси усуллар билан ишга тушуриш мумкин?
2. Асосий асбоблар панелини санаб утинг
3. Ҳар бир панел нима учун хизмат қилади?
4. Матн ва формула муҳаррирлари вазифасини тушунтиринг.
5. Рус тилида матн киритишда қайси шрифт қўлланилади?
6. Матн соҳаси ўлчамини қандай алмаштириш мумкин.
7. MathCADда қандай функциялар бўлиши мумкин? Нима билан улар фарқ қиладилар?
8. Илгаридан аниқланган математик ўзгармасларни санаб ўтинг.
9. Ўлчов бирликларини қандай қилиб ўрнатиш мумкин?

## II лаборатория иши Киритилган операторлар ёрдамида ҳисоблаш. Функцияларни ўрнатиш.

**Ишнинг мақсади:** MathCAD муҳитида киритилган операторлардан фойдаланишни ўрганиш.

### Лаборатория ишини бажариш услуби:

6. Ишнинг назарий қисми билан танишиш: асосий киритилган оператор ва функцияларни ўрганиш
7. Топшириқни қуйидаги келтирилган услуб бўйича бажаринг
8. +уйидаги таркибда ҳисобот тайерлансин:
  - лаборатория иши конспекти;
  - бажарилган топшириқ натижаси билан.
9. Назорат саволларга жавоб беринг.

### Назарий тушунтиришлар

*MathCAD нинг асосий операторлари.*

MathCAD ўз таркибига бир қатор турли операторларни киритади: арифметик, мантикий, математик таҳлил, массивлар билан ишловчи ва истеъмолчилар томонидан яратиладиган. Улар мазмуни Билан қисқача танишиб чиқамиз.

Арифметик операторлар	Тугмалар	Белгиланиши
Кейинги қаторга ўтиш шарти билан қўшиш	Ctrl+Enter	X... +Y
+ўшиш	+	X+Y
Комплекс сон	«	$\bar{X}$
Бўлиш	/	X/Y
Даражага ошириш	^	X <sup>n</sup>
Факториал	!	N!
Абсолют қиймат		X
Кўпайтириш	*	X×Y
Инкор	-	- X
N-чи даражали илдиз	CTRL+\	$\sqrt[n]{X}$
Чекли қатор кўпайтмаси	CTRL+SHIFT+3	$\prod_{i=m}^n X$
Дискрет аргумент бўйича чексиз қатор бўйича кўпайтмаси	#	$\prod_i X$
Дискрет аргумент бўйича чексиз қатор йи\индиси	\$	$\sum X$
Квадрат илдиз	\	$\sqrt{z}$
Айириш	-	X-Y
Чекли қатор йи\индиси	CTRL+SHIFT+4	$\sum_{i=m}^n X$

Мантикий ператорлар	Тугмалар	Белгиланиши
Катта	>	X>Y
Кичик	<	X<Y
Катта ёки тенг	Ctrl+0	X≥Y
Кичик ёки тенг	Ctrl+9	X≤Y
Тенг эмас	Ctrl+3	X≠Y
Тенг	Ctrl+қ	XқY

Математик таҳлил операторлари	Тугмалар	Белгиланиши
Функциянинг берилган нуктадаги чегараси	Ctrl+L	$\lim_{x \rightarrow a} f(x)$
Функциянинг берилган нуктадаги чапдаги чегараси	Ctrl+Shift+B	$\lim_{x \rightarrow a^-} f(x)$
Функциянинг берилган нуктадан ўндаги чегараси	Ctrl+Shift+A	$\lim_{x \rightarrow a^+} f(x)$
Дифференциал	?	d/dt f(t)


Аниқ интеграл	&	$\int_a^b f(t)dt$
Ноаниқ интеграл	Ctrl+I	$\int f(t)dt$
n-чи тартибли хосила	Ctrl+Shift+?	$d^n / dt^n f(t)$

Вектор ва матрицаларга мўлжаланган операторлар	Тугмалар	Белгиланиши
+ўшув	+	U+V
Векторли кўпайтма	Ctrl+8	U x V
Аниқловчи		U
Скаляр кўпайтма	*	U • V
Матрица мурожаати	^- 1	M <sup>-1</sup>
Инкор	-	-V
Матрицани даражага ошириш	^	M <sup>n</sup>
Модуль		M
Кўпайтириш	*	M x N
+уйи индекс (vector)	[	V <sub>n</sub>
+уйи индекс (matrix)	[	M <sub>n</sub>
Айирув	-	M - N
Элементлар йи'индиси	Ctrl+4	ΣV
Юқори индекс	Ctrl+6	A <sup>&lt;n&gt;</sup>
Транспонирлаш	Ctrl+1	M <sup>T</sup>
Векторлаш оператори	Ctrl+ -	$\bar{F}(M)$

MathCADда маълумотларни бир объектдан бошқасига тў'ридан-тў'ри узатиш муаммоси самарали хал килинган, масалан, бир математик ифодадан бошқасига, ундан жадвалларга, жадваллардан графикларга ва хоказо. Шунинг учун, берилган маълумотнинг исталган формуласи ёки топшири'идаги ўзгариш шу захоти барча ўзаро бў'ланган объектлар занжири бўйича масалани қайта ишланишига олиб келади.

### MathCAD нинг киритилган функциялари. Киритилган функциялар категориялари.

MathCAD да киритилган функцияларнинг барча тури, (уларни ишлатилишини осонлаштириш мақсадида, аниқланган ҳолат учун классларга бў'линган. Улардан исталган бирини асосий менюнинг **Вставка** (Insert) бў'лимининг **Функция** (Function) банди орқали чақириладиган **Вставить функцию** (Insert Function) диалог дарчасини жойлаштириш орқали амалга оширилади. Функцияни киритиш шаблонини хосил қилиш учун исми бўйига сичқонча тугмасини босинг. (2.1. расм)



2.1.- расм. Вставка функции диалог ойнаси

Бошланишида чап диалог дарчасининг **Вставить функцию** рўйхатидаги **Категория функции** (Function Category) функция категориясини, сўнгра эса-ўнг рўйхатдаги **Имя функции** (Function name) унинг исми сичқонча тугмасини босиш орқали белгиланади. Диалог дарчасининг пастки қисмидаги матнли майдонда функциянинг берилиши ва уларга изоҳлар ҳақида маълумот берилади. Бизнинг мисолда, В ни А орқали ҳосил қилинган массивни қайтарувчи stack(A,B) функцияси белгиланган. А ва В массивлар бир хил сонли устунларга эга бў'лиши шарт.

Ишчи вара\ига функция шаблонини киритиш учун сичконча кўрсаткичини **Вставка** (Insert) га келтириб чап тугмани босиш керак. Ишчи вара\ининг визир турган ерида тўлдирилиши шарт бўлган шаблон пайдо бўлади. Кўп холларда функциянинг бажарилиши учун бошлан\ич маълумотларни тайёрлаш керак бўлади. Stack(A,B) функциясини бажариш учун, бизнинг мисолда, A ва B массивларни аниқлаш талаб қилинади.

MathCAD да қўйидаги функциялар аниқланган:

- .**All** (все)-барча функциялар алфавит тартибда жойлаштирилган;
- .**Bessel** (Бессель)-Бессель функциялари;
- .**Complex Numbers**-комплекс сонлар;
- .**Differential Equation Solving**-дифференциал тенгламаларни ечиш функциялари;
- .**File Access**- файлларга мурожаат функциялари;
- .**Fourier Transform**-Фурье ўзгартириш функциялари;
- .**Hyperbolic**-гиперболик функциялар;
- .**Image processing**-тасвирларни қайта ишлаш функциялари;
- .**Interpolation and Prediktion**-интерполяция ва олдиндан айтиш функциялари;
- .**Log and Exponential**-логарифмик ва экспоненциал функциялар;
- .**Numbers Theory/Combinatorics**-сонлар назарияси ва комбинаторика функциялари;
- .**Piecewise Continions**-зина ва шартлар функциялари;
- .**Probability Density**-эҳтимоллар зичлиги функциялари;
- .**Probability Distribution**-эҳтимоллар тақсимоги функциялари;
- .**Random Numbers**-тасодикий сонлар функциялари;
- .**Regression and Smotning**-регрессия ва текислаш функциялари;
- .**Sorting** –сортировка (саралаш) функциялари;
- .**Special**-махсус функциялар;
- .**Statistics** –статистика функциялар;
- .**Trigonometric**-тригонометрик функциялар;
- .**Truncation and Round-Off**-яхлитлаш ва сон қисми билан ишлаш функциялари;
- .**Vector and Matrix**-вектор ва матрицалар билан ишлаш функциялари.

### *Гиперболик функциялар*

**acosh(z)**-тескари гиперболик косинус.

**acoth(z)**-тескари гиперболик котангенс.

**acsch(z)**-тескари гиперболик косеканс.

**asech(z)**-тескари гиперболик секанс.

**asinh(z)**-тескари гиперболик синус.

**atanh(z)**-тескари гиперболик тангенс.

Функция ишлаши натижаси бўлиб z комплекс сонининг ҳақиқий қисми ҳисобланади.

**sinh(z)**-гиперболик синус:  $\sinh(x) \text{ қ } (e^x - e^{-x})/2$ .

**cosh(z)**-гиперболик косинус:  $\cosh(x) \text{ қ } (e^x + e^{-x})/2$ .

**tanh(z)**-гиперболик тангенс:  $\tanh(x) \text{ қ } (e^x - e^{-x})/(e^x + e^{-x})$ .

**sech(z)**-гиперболик секанс:  $\operatorname{sech}(x) \text{ қ } 1 / \cosh(x)$ .

**csch(z)**-гиперболик косеканс:  $\operatorname{csch}(x) \text{ қ } 1 / \sinh(x)$ .

**coth(z)**-гиперболик котангенс:  $\operatorname{coth}(x) \text{ қ } 1 / \tanh(x)$ .

Аргумент x скаляр бўлиши керак.

### *Логарифмик ва экспоненциал функциялар*

**exp (z)**- z даражага кўтарилган e сони.

**log (z[b])**-b асосли z нинг логарифми; агар b туширилган бўлса, асоси 10 бўлади.

**ln(z)**- e асосли z нинг логарифми (z нинг натурал логарифми).

Z аргумент скаляр ва ўлчамсиз сон қийматига эга бўлиши керак. log ва ln функциялари учун Z аргумент нолдан фаркли бўлиши керак.

Z аргументнинг комплекс қийматлари учун логарифмик функциялар қийматларини асосий бў\индан чақирилади:

$$\ln(z) \text{ қ } \ln(|Z|) + i \arg(z).$$

### *Тригонометрик функциялар*

**sin (z)**-синус.

**cos (z)**-косинус.

**tan (z)**-тангенс.

**sec (z)**- секанс.

**csc (z)**-косеканс.

**cot (z)**-котангенс.

Манна шу функциялар учун Z аргумент (ҳақиқий, комплекс ёки мавхум) радианларда аниқланган сон бўлиши керак. Комплекс сонлар учун sin(z), cos(z), tan(z) қуйидаги формулалар билан аниқланади:

$$\sin(z) \text{ қ } (e^{iz} - e^{-iz})/2i;$$

$$\cos(z) \text{ қ } (e^{iz} + e^{-iz})/2;$$

$$\tan(z) \text{ қ } (e^{iz} - e^{-iz}) / ((e^{iz} + e^{-iz})i).$$

**asin(z)**- тескари тригонометрик синус.  
**acos(z)**- тескари тригонометрик косинус.  
**asec(z)**- тескари тригонометрик секанс.

**acsc(z)**- тескари тригонометрик косеканс.  
**acot(z)**- тескари тригонометрик котангенс.  
**atan(z)**- тескари тригонометрик тангенс.

asin(z),atan(z),asec(z),acot(z)-z хақиқий сон бўлганда, бурчакларни радианларда  $\pi$  ва  $\pi/2$  ораликда қайтаради.  
 acos(z)-z хақиқий сон бўлганда, бурчакларни радианларда 0 ва  $\pi$  ораликда қайтарилади.

**Комплекс сонлар функциялари**

**arg(z)**- бурчакларни радианларда  $x$  хақиқий ўқдан то  $z$  комплекс сонигача аниқлайди.  
**csgn(z)**-агар  $z \neq 0$  бўлса, Они, агар  $\text{Re}(z) > 0$  ёки ( $\text{Re}(z) < 0$  ва  $\text{Im}(z) > 0$ ) бўлса, 1ни ва акс холда -1 ни қайтаради.  
**Im(z)**-  $z$  комплекс соннинг мавхум қисмини ажратади.  
**Re(z)**-  $z$  комплекс соннинг хақиқий қисмини ажратади.  
**signum(z)**-агар  $z \neq 0$  бўлса, 1 ни ва акс холда  $z / |z|$  ни қайтаради.

**Яхлитлаш ва соннинг қисми бўйича ишлаш функциялари.**

**ceil(x)** -  $x$  га тенг ёки катта энг кичик бутунни қайтаради.  $x$  сони хақиқий бўлиши керак:

ceil (15.7) қ 16      ceil(-3.9) қ -3

**floor(x)**-  $x$  га тенг ёки кичик энг катта бутунни қайтаради . $x$  сони хақиқий бўлиши керак:

floor(15.7) қ 15      floor(-3.9) қ -4


**round (x,n)**-  $x$  хақиқий сонини ўнлик нуқтасидан ўнг томонга  $n$  белгигача яхлитлайди.

Агар  $n$  туширилиб қолдирилган бўлса,  $x$  биринчи бутун сонгача яхлитланади. Агар  $n < 0$  бўлса, ўнлик нуқтасидан чап томонга  $n$ , белгигача яхлитланади.

round(15.71346,3)қ15.713  
 round(15.71346)қ16  
 round(1315.71346,-2)қ1.3\*10<sup>3</sup>

**trunk(x)**- $x$  хақиқий соннинг, каср қисмини йўқотган холда, бутун қисми қайтарилади:

trunk (15.7)қ 15  
 trunk(-3.9)қ -3



2.2. расм. Баъзи операторларни ишлатган холда ҳисоблашларни бажаришга доир мисол

## √ Топшириқ

+ўйидаги ҳисоблашларни бажаринг:

- Хосилани аниқлаш

$$y = \sin x + \operatorname{tg}^2 x \text{ учун } y' \text{ ни}$$

$$z = e^{2x+3} + \cos x \text{ учун } z^{(4)} \text{ ни}$$

- Интеграл аниқлансин

$$\int_2^3 \sqrt{x^2 + 2x - 3} dx$$

$$\int \frac{2x dx}{x^2 + 35 - 3}$$

- Чегаралар аниқлансин

$$\lim_{x \rightarrow 1} \frac{25 \tan(x)}{2 \cdot x + 3}$$

$$\lim_{x \rightarrow 3^+} \left[ e^{(1+x)} \right]^{\frac{1}{x}}$$

$$\lim_{x \rightarrow 3^-} \frac{(1+x)^{\frac{1}{x}}}{7 - 25 \cdot x}$$

- Интеграл аниқлансин

$$\int_1^3 (2x^3 + \sqrt[3]{3x}) dx$$

$$\int \frac{1}{x^2 - 25x + 6} dx$$

- Кўпайтма ва йиқинди аниқлансин

$$\prod_{n=1}^5 (n^2 + 1)$$

$$\prod_x \frac{(25 \cdot x)}{x + 0.5}$$

$$\sum_{n=3}^{11} \frac{\sin(25 \cdot n)}{n^2}$$

Ҳисоблаш натижалари яхлитлансин.

## Назорат саволлари:

1. +андай қилиб киритилган операторни ўрнатиш мумкин?
2. Функцияларнинг асосий категорияларни санаб ўтинг.
3. Функцияни қандай қилиб ўрнатиш мумкин?

## III лаборатория иши

### Икки ўлчамли ва юзали графикларни ҳосил қилиш

**Ишнинг мақсади:** MathCAD муҳитида текисликдаги графиклар ва фазовий диаграммаларни тузишни ўрганиш.

## Лаборатория ишини бажариш услуги:


10. Ишнинг назарий қисми иши билан танишув: Диаграмма асбоблар панели асосий буйруқларни ўрганиш.
11. Ўз варианты номерингизга мос топшириқни танлаш.
12. +ўйдагилардан ташкил топган ҳисоботни бажариш:
  - лаборатория иши конспекти;
  - бажарилган топшириқ натижаси билан.
13. Назорат саволларга жавоб бериш.

## Назарий тушунтиришлар

### Графика типини танлаш


Функцияни ўрнатишни икки усулда амалга ошириш мумкин.

**I усул. Математика** асбоблар панелида  *графика асбоблар панели* тугмасини босинг ишчи вароиди пайдо бўлувчи диаграмма панели очилади.



ва

2 усул. Асосий менюнинг *Вставка* бўлими ичида график банд пайдо бўлувчи (3.1 расм) менюни чақиришни амалга



3.1 расм. График тузишдаги пайдо бўлувчи меню

курунишдаги графикларни тузишни амалга оширади;


оширади. Графикларни тузатишдаги пайдо бўлувчи меню турли типли графикларни тузатишнинг бир қатор бўлим ларини ўз ичига олади.

- **X-Y координата** ёки Shift+@ тугмалар комбинациясини босиш декартова графикни тузишни амалга оширади;
- **Полярнўе координатў (X-Y Plot)** ёки Ctrl+7 тугмалар комбинациясини босиш поляр графикни тузишни амалга оширади;
- **Мастер 3D координат ... (3d Plot Wizard...)** - графикларни кўриш диалог дарчасини чақиради;
- **Внешние координатў (surface plot)** ёки Ctrl+2 тугмалар комбинациясини босиш контурли графикларни тузишни амалга оширади;
- **3D разбросаннўе координатў (3D scatter Plot)** нуктали графикларни тузишни амалга оширади;
- **3D координатў (3D bar plot)** - стержинли графикларни тузишни амалга оширади;
- **Контурнўе поля вектора (Vector Field Plot)** – векторлар майдони

### Икки ўлчамли графикларни тузиш

**X-Y plot (двумернўй график)** бўлимини танлаш ёки Shift +@ тугмалар комбинациясини босиш декарт координат системасида икки ўлчамли шаблони ҳосил қилади.

MathCAD системасидаги графиклар ҳужжатларни тахрирлаш дарчасида турли қийматларга эга бўлиши ва ҳаракатланиши мумкин. MathCADнинг Декарт ва поляр координат системаларида кўпроқ тарқалган графиклар функцияларнинг илгаридан берилмаганлиги ва боʻланмаган ўзгарувчилар рангларино ҳосил қилишни содда ва жуда қулай усулларино хисобга олади. Икки ўлчамли исталган  $f(x)$  функцияни тузиш учун уларнинг шаблонини чиқариш лозим. Мисол учун, ишчи вароғига поляр графика шаблонини чиқариш учун Ctrl+7 тугмалар комбинациясини босиш керак. Шундан сўнг, ордината ўқи ёнида жойлашган меткада функция номи, абсцисса ўқи ёнида жойлашган меткада функция аргументини (боʻлиқ бўлмаган ўзгарувчи  $x$  ни) кўрсатиш (3.2 расм):




3.2 расм. Икки ўлчамли графикни тузиш.

Бир нечта боʻланишлар бита графикда тузиш мумкин. Бунинг учун мос функцияларни вертикал ўк(ордината ўқи) ёнидаги меткага киритинг, функциялар номино ажратинг, вергуллар орқали амалга оширилади. Графиклар турли типли ва ранглар орқали тузилади.

MathCADда гарфиклар векторлар ва матрицалар орқали тузилади. Ҳар бир матрица элементига алоҳида нукта мос келади. Икки ўлчамли графикдаги ҳар бир нукта ўзининг  $x$  ва  $y=f(x)$  координаталари билан характерланади, бу ерда  $x$ -нукта абсциссаси,  $y$ -нинг ординатаси. Нукталар бир-бири билан турли чизиклар орқали (пунктир, тўлиқ ва хоказо) бирлаштиради. Графикнинг бошланғич (тугунли) нукталари тўқ рангли нукталар, квадратчалар, доирачалар ва хоказолар орқали кўрсатилиши мумкин.

Меткаларга ҳаракатланиш учун курсорни ҳаракатлантириш тугмалардан фойдаланиш ёки сичқонча ёрдамида бирданига меткани танлаш мумкин, яъни сичқонча кўрсаткичини керакли меткага келтириб, чап тугмани босиш кифоя.



3.3 расм. Formatting currently selected X-Y Plot диалог дарчаси

Четки меткалар абсцисса ва ординаталирининг чегаравий кийматларини кўрсатиш учун хизмат қилади, яъни улар графикнинг масштабларини белгилайди. Агар бу меткалар тўлдирилмаса, координата ўқлари масштаблари автоматик равишда ўрнатилади. Олдиндан автоматик масштаблаш сўнгра эса масштабни кераклигига ўзгартириш тавсия қилинади.

Автоматик ҳисоблаш режимида графикни тузиш учун курсорни график объекти ташқарисига келтириш лозим. +ўлда ҳисоблашларни бажариш режимида ишлаш учун F9 тугмаси босилади. Берилганларни график параметрлари орқали ўзгартириш лозим. Бунинг учун, графикни танлаш ва уни сичқонча курсорни доирачага ўрнатиб, чап тугмачани икки марта босиш керак. Анна шунда **Formatting currently selected x-y Plot** (танланган x-y графигининг жорий форматлаш) икки ўлчамли гарфиги параметрларини ўзгартириш диалог дарча пайдо бўлади. (3.3 расм)

Formatting currently selected x-y Plot диалог дарчасини бошқа йўл билан ҳам чиқариш мумкин. График дарчасида сичқонча ўнг тугмасини босинг. Кониекстга бо'лиқ меню пайдо бўлади, унда Format... (форматлаш) банди чертилади. Formatting current selected x-y Plot диалог дарчаси график режимини танлайдиган байро\чалар тўпламидан ташкил топади:

- **Log scale** (логарифмик шкала) – ўқ бўйича логарифмик шкалани

ўрнатиш;

- **Grid lines** (чизиклар сектаси) – ўқ бўйича ёрдамчи чизикларни ўрнатиш;
- **Numbered** (номерланган)- ўқни номерлаш;
- **Autoscale** (автомаштаб)- ўқни автомаштаблаш;
- **Show markers** маркерлашни кўрсатиш - ўқ бўйича меткаларни кўрсатиш режимини ўрнатиш;
- **Avto grid** (автосетка)- ўқ бўйича автосеткани ўрнатиш;
- **Number of grids** (сетка ўлчами)- ўқ бўйича сетка ўлчамини ўрнатиш;
- **Equal scales** (тенг масштаб)- ўқ бўйича тенг масштабларни ўрнатиш;

**Formatting currently selected X-Y Plot** диалог дарчаси, шунингдек бир қатор график ўқлари тасвири сиртини танлаш ўзгартиргичларни ўз ичига олади:

- **Boxed** (обрамлаштириш)- графикни рамкада ўқларсиз чиқариш;
- **Crossed** (ўқлар билан)- графикни рамкасиз ва ўқлар билан чиқаради;
- **None** (ҳеч нарса)- графикни рамкасиз ва ўқларсиз чиқаради.

Графикни хужжат ишчи майдони бўйича ҳаракатлантириш мумкин. Бунинг учун, сичқонча чап тугмасини босиш орқали, графикни белгилаб олиш керак. Натижада, графикни тўлиқ қоплаган рамка ҳосил бўлади. Шундан сўнг, сичқонча кўрсаткичини рамкага тўриланг, қачон бармоқча тасвири кафт пайдо бўлса, сичқонча чап тугмасини босинг ва уни ушлаб турган холда сичқонча билан графикни ҳам ҳаракатлантиринг.

Шунингдек, сичқонча кўрсаткичини график яқинига келтириб ва чап тугмани босган холда диагонал бўйича график томон сичқончани ҳаракатлантириш мумкин. Курсор, пунктир чизикларидан иборат тўри тўрт бурчак холидаги белгиланиш сохани кўрсата бошлайди. +ачонки ана шу соха графикни тўла қопласа ва у пунктир холидаги тўри тўрт бурчак билан эгаллансагина сичқонча тугмасини қўйиб юбориш керак. График белгиланади, фақат пунктир рамка билан. Сўнгра график курсорни, график сохани белгиловчи, рамкага келтиради. Шунда курсор тасвири ўзгаради ва у кичкина қизил крестча ўрнига бармоқ тасвири кафтга айланади. Энди сичқонча чап тугмасини босиб туриб ҳаракатлантирсак, у холда график шаблони тўлалигича ойна бўйича ҳаракатланади. Уни керакли жойга ўрнатиб, сичқонча тугмасини қўйиб юборинг. График янги жойда пайдо бўлади.

Расм ўлчамларини ўзгартириш учун график курсорини рамкадаги махсус меткага аниқлик билан келтирилиши керак. Бу меткалар кичкина қора тўрт бурчаклар кўринишида бўлади. Ушбу холда курсор тасвири, қайси йўналишда график ўлчамини ўзгартиришни кўрсатувчи, икки томонлама стрелкага алмаштирилади. Сичқонча чап тугмасини босиш орқали мос томонини ёки расим шаблони бурчагини эгаллаш ва тугмани қўйиб юбормаган холда шаблон рамкасини чўзиш ёки сиқиш мумкин. Тугмача қўйиб юборилгач, расим янги ўлчамларга алмашади. График ўлчамларини вертикал, горизонтал ва диагонал йўналишларда ўзгартирилиши мумкин.

Графикни исталган белгилаш кўринишида F3 тугмани босиш графикни маълумотларни алмаштириш буферига юборади. Курсорни янги жойга суриб ва F4 тугмани босиб графикни ўша жойга ўрнатиш мумкин.


График номини ва езуви X ва Y ўқларига киритиш қуйидагиларни амалга ошириши керак:

- график соҳасида сичқонча чап тугмасини икки марта босинг. **Formatting currently selected x-y plot** икки ўлчамли график параметрларини ўзгартириш диалог дарчаси пайдо бўлади;
- **Labels** бандини танланг ва **Title** (сарлавха) бўлимидаги матн майдонига номини киритинг;
- сарлавха график устига еки тагига жойлаштириш учун **Title** бўлимидаги **Above** (устига) еки **Below** (тагига) ўзгартиргичлари доирачаларни чертинг;
- **Title** бўлимидаги **Show title** (сарлавхани кўрсатиш) байроқчасини чертинг;

- езувларни киритиш ва мос матн майдонларига уларни тушириш учун **Axis labels** (ўқлар бўйича езувлар) бўлишидаги **X-Axis** ва **Y-Axis** байроқчаларини чертинг;
- **OK** тугмасини чертинг;  
 Ёзувларни рус тилида амалга ошириш учун мос шрифт тугмаларини ишлатиш лозим. Матнни киритиш жараенида шрифтни ўзгартириш мумкин эмас.


### Текислик графигини тузиш

**Surface** (текислик графиги) бўлими еки **Ctrl+2** тугмалари комбинацияси босиш учун ўлчамли графикни тузиш шаблонини хосил қилади (3.4 расм). **Z(X,Y)** текислиги графигини тузишдан олдин уларни дастлаб **M** матрицанинг **Z** ординатаси кўринишида тасвирлаш лозим.



3.4 расм. Текислик графигини тузиш.

Шаблоннинг чап паст бурчагида **M** матрицани киритиш меткаси жойлашган. Уч ўлчовли текисликларни тасвирлаш кўплаб факторларга боʻлиқ: тузиш масштаби, ўқка нисбатан фигурани буриш бурчаги, кўринмас чизикларни олиб ташлаш алгоритминини ишлатиш ёки уни рад этиш, фукционал бўяшни ишлатиш ва хоказо.



3.5. расм. Формат 3-D Координат диалог дарчаси

График, фақатгина фигура балангликлари координаталаридан ташкил топган матрицалар асосида тузилганлиги сабабли, амалда **X** ва **Y** ўқлари бўйича хақиқий масштаблари ноаниқ бўлади ва расмда улар кўйилмайди. Шу билан бирга, фигуранинг табиий кўринишига эга бўлиши ва фазода керакли ўрини эгаллаши учун **X** ва **Y** векторларнинг хосил қилинишини кузатиб туриш лозим. Булар керакли кўринишдаги уч ўлчамли фазода тезда график хосил қилишни бир мунча қийинлаштиради.

Бошланғич график параметирлари ўзгартириш мумкин. Бунинг учун графикни белгилаш ва уни сичқонча курсори соҳасига ўрнатиб, чап тугмани икки марта босинг. **Формат 3-D Координат** диалог дарчаси пайдо бўлади (3.5. расм). **Plot I Display as Surface** позициясига ўрнатилади. **3-D Plot Format** диалог даочаси саккизта аниқлагичлар ва график тузиш режимларини танлаш учун кўплаб байроқчалардан ташкил топади. Хозир 3.5. расмда кўрсатилган **General** (Умумий) номли биргина аниқлангични кўриб чиқиш билан чегараланамиз. **View**

(Посмотреть) бўлимидаги (0, 35, -10) биринчи сонлар комплекти фазодаги график қайси бурчак остида кўрнишини билдиради.

**Axis Style** (стиль осей) бўлимида бир қатор ўзгартиргичлар ва график тасвирлари ўлчамлари стилини танлаш байроқчалари жойлашади:

- **Perimeter** (Периметр) - график ўлчамларини периметри бўйича чиқаради.
- **Coner** (Угол) - график ўлчамларини ўқлари бўйича чиқаради.
- **None** (Ничего) - графикни ўлчамларсиз параметрлари ва ўқлари бўйича чиқаради.
- **Equal Scales** (Равнўй масштаб) - графикни ўқлар бўйича тенг масштабларда ўрнатади.
- **Frames** (рамки) - бандида графикни обрамланиши аниқланади.
- **Show Border** (показать границу) - графикни чегараларини кўрсатади.
- **Show Box** (показать обрамление) - графикни параллелолипед кўринишда кўрсатади.

График номини киритиш учун қуйидагилар бажарилиши керак:


- график соҳасида сичқонча чап тугмасини икки марта босиш. **Формат 3-D координат** 3 ўлчамли график параметрларини ўзгартриш диалог дарчаси пайдо бўлади;
- **Title** (заголовок) кўринишини танланг ва **Graph Title** (заголовок графика) банди матн майдонига график номини киритинг;
- **Graph Title** бандининг **Above** (над), **blow** (ниже) еки **Hide** (скрўть) ўзгартиргичлари байроқчаларини график устига, тагига ёки уни беркитишда сарлавхаларни жойлаштириш учун чертинг;
- **Ok** тугмасини чертинг.

**Plot I Display As** (График 1. Показать как) ўзгартиргичлар панелида 3 ўлчамли графикнинг бирор формасини танлаш мумкин:

- ✓ **Surface Plot** (график поверхности)
- ✓ **Data Points** (точнўй график)
- ✓ **Bar Plot** (столбчатўй график)
- ✓ **Contour Plot** (контурнўй график – тенг босқичдаги чизиқлар)
- ✓ **Vector Field Plot** (график векторного поля)
- ✓ **Patch Plot** (график из отдельнўх элементов)

3.6. расмда фазовий график тасвирланишининг бир неча турлари берилган.

$$M(x, y) = \sin(x) + \cos(y)$$



М

М

М

Графикни тасвирлашнинг **Data Points** (Начальные условия) тури

Графикни тасвирлашнинг **Bar Plot** (Коорд. решетки) тури

Графикни тасвирлашнинг **Patch Plot** (Соед. координаты) тури

3.6. расм. Фазовий график тасвирланишининг бир неча турлари.

## √ Топшириқ

+уйидаги созлагичларни қўллаган холда график ва диаграмаларни тузинг.

вариант №	Икки ўлчамли графикни тузиш	Фазовий графикни тузиш
1	$y = \sqrt{x^3 + 2x + 6}, \quad x \in [0;8]$	$M(x, y) = \cos 2x + \sin 5y$
2	$y = \sqrt{x^2 + 6x - 7}, \quad x \in [2;12]$	$N(x, y) = x^3 + y^2$
3	$y = x^3 + x^2 + \sqrt{7x + 6}, \quad x \in [1;20]$	$D(x, y) = \operatorname{tg} x + \cos^2 x$

4	$y = \sin(25x - 5), \quad x \in [0;1]$	$L(x, y) = \frac{e^x + e^{2y}}{2}$
5	$y = 27x^{\sin(25x-1)}, \quad x \in [0;2]$	$F(x, y) = \cos^2 x + \sin^2 y$
6	$y = 72 - 5x^2, \quad x \in [1;16]$	$T(x, y) = \sin x + \cos y$
7	$z = \frac{25}{x^2} + 7x + 6, \quad x \in [1;3]$	$R(x, y) = \frac{x^2}{6} + \frac{y^2}{8}$
8	$f = \frac{33}{2x^3} + \frac{7}{x}, \quad x \in [1,5;2,5]$	$U(x, y) = \left(\frac{x}{9}\right)^3 + \left(\frac{y}{12}\right)^3$
9	$y = (7x + 6)^2, \quad x \in [0;70]$	$W(x, y) = 7 \sin^3 x + 10 \cos^3 y$
10	$y = 65 - x^2 + 8x, \quad x \in [0;30]$	$V(x, y) = tgx + y \sin y$
11	$d = 35a + \frac{1}{a} + 7a^2, \quad a \in [0;20]$	$E(x, y) = \sqrt[3]{x^2 + y^2}$
12	$k = 86 \ln(7x + 2), \quad x \in [0;25]$	$A(x, y) = x^2 y^2$
13	$\omega = \sqrt[3]{7k + 8k^2}, \quad k \in [0;5]$	$C(x, y) = \sqrt[3]{x^4 + y^4}$
14	$k = 3\alpha - 8\alpha^2 - 9, \quad \alpha \in [0;8]$	$A(x, y) = 5x^2 + 6y^3$
15	$z = t^3 + \sqrt{4-t^2}, \quad t \in [1;2]$	$J(x, y) = 25x^2 + 40y + 7$

### Назорат саволлари:

1. Графикни қандай усулар билан тузиш мумкин?
2. Икки ўлчамли график тузиш принципини тушунтиринг?
3. Икки ўлчамли графикни форматлаштириш қандай амалга оширилади?
4. Фазовий график тузиш принципини тушунтиринг?
5. Фазовий графикни форматлаштириш қандай амалга оширилади?

## VI лаборатория иши Ифодани ўзгартириш

**Ишнинг мақсади:** MathCAD муҳитида ифодаларни ўзгартириш усулини ўрганиш.

### Лаборатория ишини бажариш услуби:


14. Ишнинг назарий қисми билан танишиш.
15. **Символьная** асбоблар панели асосий буйруқларини ўрганиш.
16. +ўйдагилардан ташкил топган ҳисоботни бажариш:
  - лаборатория иши конспекти;
  - бажарилган топшириқ натижаси билан.
17. Назорат саволларга жавоб бериш.

### Назарий тушунтиришлар

#### Символьная (Symbolic) асбоблар панели

Symbolik (Символў) асбоблар панели қўйидаги йигирма тўрт тугмаларни сўз-символли операторлар ) ўз ичига олади (4.1-расм):

→ йўналтирилган ўнга стрелка тасвирли тугма, оддий символли ўзгартиришни амалга ошириш шаблонини чақиради. Бу шаблонни кўпинча



(калитли

символли

чиқаришнинг содда оператори деб ҳам номланади. Шаблони чақиришни **Ctrl+.**(нукта) тугмалар комбинациясини босиш орқали ҳам бажариш мумкин;

**→** ўнга йўналтирилган ва стрелка олдида метка тасвирли тугма ифодаларни киритиш шаблонини чақиради. Уни кўпинча символли чиқаришнинг кенгайтирилган оператори деб ҳам номланади. Ифодаларни киритишни **Ctrl + Shift + .** (нукта) тугмалар комбинациясини босиш орқали ҳам бажариш мумкин;

**Modifiers** **Modifiers** калит сўзли тугма модификацияланган буйруқли пайдо бўлувчи менюни чақиради;

**float** **float** калит сўзли тугма сузиб юрувчи нукта форматли сонларни чиқариш шаблонини чақиради;

**complex** **complex** калит сўзли тугма комплекс формадаги сони чиқариш шаблонини чақиради;

**assume** **assume** калит сўзли тугма ўзгарувчиларга ноаниқ қийматни ўзлаштириш, агар уларга бунгача сон қийматлари ва ўзгарувчилар қийматлари чегаралари берилган бўлса ҳам, шаблонини чақиради;

4.1 расм. Символьная асбоблар панели

**solve** **solve** калит сўзли тугма белгиланган ўзгарувчига нисбатан тенгламани шаблонини чақиради;

ечиш

**simplify** **simplify** калит сўзли тугма ифодани соддалаштириш шаблонини чақиради;

**substitute** **substitute** калит сўзли тугма ифодани ўрнига қўйиш шаблонини чақиради;

**factor** **factor** калит сўзли тугма ифодани сода касрларга ажратиш шаблонини чақиради;

**expand** **expand** калит сўзли тугма ифодани даражалар бўйича ажратиш шаблонини чақиради;

**coeffs** **coeffs** калит сўзли тугма полином коэффициентларини аниқлаш шаблонини чақиради;

**collect** **collect** калит сўзли тугма фрагментлар бўйича йи\иш шаблонини чақиради;

**series** **series** калит сўзли тугма ифодани берилган аниқликда Тейлор қаторига ёйиш шаблонини чақиради;

**parfrac** **parfrac** калит сўзли тугма ифодани элементар касрларга ажратиш шаблонини чақиради;

**fourier** **fourier** калит сўзли тугма Фурье ўзгартиришни тў\ридан-тў\ри бажариш шаблонини чақиради;

**laplace** **laplace** калит сўзли тугма Лаплас ўзгартиришни тў\ридан-тў\ри бажариш шаблонини чақиради;

**ztrans** **ztrans** калит сўзли тугма z-ўзгартиришни тў\ридан-тў\ри бажариш шаблонини чақиради;

**invfourier** **invfourier** калит сўзли тугма тескари Лаплас ўзгартиришини бажариш шаблонини чақиради;

**invlaplace** **invlaplace** калит сўзли тугма тескари Лаплас ўзгартиришини бажариш шаблонини чақиради ;

**invztrans** **invztrans** калит сўзли тугма тескари z-ўзгартиришини бажариш шаблонини чақиради;

**M<sup>T</sup> →** **M<sup>T</sup> →** харфлари комбинацияси тасвирли тугма матрицани транспонирлашни бажариш шаблонини чақиради;

**M<sup>-1</sup> →** **M<sup>-1</sup> →** харфлари комбинацияси тасвирли тугма матрицани инвертлашни бажариш шаблонини чақиради;

**|M| →** **|M| →** кўриниш тасвирли тугма матрица аниқланувчисини ҳисоблашни бажариш шаблонини чақиради;

Операторларни (калитли сўзларни) кичик харфларда териш лозим (фақат **modifier** нинг биринчи харфи бош харфда). MathCAD нинг янги версияси директивалари барча турдаги эркин ўзгартиришларни ўз ичига олади.

4.3 расмда символли операторлар ёрдамида математик ифодаларни ўзгартириш натижалари келтирилган (**complex**, **solve**, **substitute**, **expand**, **coeffs**, **series**, **collect**, **laplace** (тў\ридан-тў\ри Лаплас ўзгартириш) **invlaplace** (тескари Лаплас ўзгартириш), **fourier** (Фурье ўзгартириш), **invfourier** (тескари Фурье ўзгартириш), **ztrans** (z-ўзгартириши), **invztrans** (тескари z-ўзгартириш) калитли сўзлар).

### Modifier асбоблар панели


Modifier (модификатор) асбоблар панели куйидаги (4.2 расм) тўртта тугмадан иборат:

**assume** калит сўзли тугма берилган қийматни модификациялаш учун калитли визир ўрнига жойлаштиради;

**real** калит сўзли тугма ўзгарувчига ҳақиқий қиймат ўзлаштиради. Мисол **areal** кўринишли езув a - ўзгарувчи ҳақиқий сон эканлигини билдиради;

**RealRange** калит сўзли тугма ҳақиқий сон соҳасини аниқлайди.


Мисол учун , **creal range (a,b)** кўринишли езув с ўзгарувчиси қиймати a ва b ўзгарувчилари қийматлари орасида эканлигини билдиради;



сўзни

учун,

4.2 расм. Modifier асбоблари панели



4.3 расм. Айрим символли операторлар қўллаш натижалари

## √ Топшириқ

- $\sqrt{6^2 - 8^2}$  сони комплекс формада чиқаринг.
- $bk+d$ ,  $skd/r$ ,  $ak-d$  ларда  $ax^2+bx+c^2$  ифодани қўллашни бажаринг.
- $\sin 3x+\cos 2x$  ифодани даражалар бўйича ейинг.
- +ўйидаги  $d(x^2+7)+a(x^4+2x^3)+x^2+5$  ифодани  $x$  ўзгарувчига нисбатан фрагменти бўйича йи\инг.
- $\cos^3 z$  функцияни Тейлор қаторига ейинг.
- $\cos x^3$  га Лаплас ўзгартиришини бажаринг.
- $\frac{S^3}{(S+a^2) \cdot (S+a)}$  га тескари Лаплас ўзгартиришини бажаринг.
- $1+x$  га Фурье ўзгартиришини бажаринг.
- $\frac{w}{(w-1)^2}$  га тескари Фурье ўзгартиришини бажаринг.
- $n^4+5$  га  $z$ -ўзгартиришини бажаринг.
- $\frac{Z^6+3Z^5+20Z^4}{(Z-7)^6}$  га тескари  $z$ -ўзгартиришини бажаринг.

## Назорат саволлари:

- Символьная асбоблар панели ёрдамида қандай ўзгартиришлар бажариш мумкин?
- Ўзгартиришни бажариш жараенини изохланг.
- Бир ифодага бир нечта ўзгартиришларни ишлатиш мумкинми?

## V лаборатория иши Тенгламаларни ечиш

**Ишнинг мақсади:** MathCAD мухитида алгебраик ва трансцендент тенгламаларни ечишни ўрганиш.

### Лаборатория ишини бажариш услуби:


18. Ишнинг назарий қисми билан танишиш: асосий буйруқ ва функцияларни ўрганиш
19. +уйидаги таркибда ҳисобот тайерлансин:
  - лаборатория иши конспекти;
  - бажарилган топшириқ натижаси билан.
20. Назорат саволларга жавоб беринг.

